

(Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихи давомида хорижий давлатларнинг тажовуз ва ҳукмронлигига қарши курашиб келди. Унинг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган қонли жанглари тарих саҳифаларида олтин харфлар билан битилган. Бундай курашлар чор Россияси ўзбек хонликларини босиб олгандан кейин ҳам содир бўлди. 1916 йилги халқ кўзғолони бир шаҳар ёки вилоятдагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва Козогистонни қамраб олди. Унда ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва уйғурлар фаол қатнашдилар. Хатто ўлканинг баъзи жойларида руслар ҳам иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг ақс сароси бутун Россия империяси бўйлаб таралди. Кўзғолон чор ҳукуматининг мустамлақачилик ва миллий зулми авж олган вақтда кўтарилди. Чунинчи, 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши Россиядаги барча миллату элатларнинг бошига кўпдан-кўп азоб-уқубат ва ташвиш солди. Халқ хўжалигининг издан чиқиб кетиши мамлакатда очарчилик ва қашшоқликни тобора қучайтириб юборди. Бу ҳолат айниқса, Туркистон ўлкасида яққол кўзга ташланди. Чор ҳукумати ва капиталистлар уруш қетаётганлигини рўқач қилиб, ўлка аҳолисини янада баттар талади, зулм остига олди. Оғир иқтисодий вазиятга қарамай, чор ҳукумати Бухоро (Қогон-ҚаршиТермиз), Фарғона (Қўқон-Наманган-Андижон), Ёттисув (Арис-Бурнас) темир йўлларини қурди "Бундан мақсад — ўлкада етиштирилаётган дехқончилик маҳсулотлари ва табиий бойликлари Россияга кўпроқ олиб кетиш эди. 1914—1916 йилларда 41 миллион пуд пахта, 3 миллион пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гўшт, 474 минг пуд балик, 70 минг от, 12797 туя, 270 арава, 1344 ўтов, кўп миқдорда қуруқ мевалар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилган эди. Шунингдек, 1914 йилда Ёттисув вилоятидан 34 миллион сўмлик йирик ва майда қорамол, 1915 йилда Қирдарё ҳамда Ёттисув вилоятларидан бир миллион бош қўй олиб кетилган. Ўлкада қалла етиштириш ва қорвачилик орқага кетди. Россиядан қалла қелтириш анча қамайди. Натижада рус қалласига умид қўлаб қуқул пахта эккан ўзбек дехқони жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Озиқ-овқат, қийим-кечак, қазлама, қурилиш материалларининг нархи қун қайин ошиб қорди. Масалан, қазлама нархи 300—400 қоизга, қийим-кечак нархи 200—300 қоизга, қанд нархи 250 қоизга, қойабзаллар нархи 300—400 қоизга кўтарилди. Фарғона қодийсида илқари 50 сўм турадиган отнинг нархи 100—200 сўмга, 5—9 сўмлик қўйлар нархи 30—35 сўмга ошди. Қалла ва нон нархи ҳам кўтарилди. Булар қамдек, чор ҳукумати қар турли солиғу мажбуриятларни қўпайтирди. Ёр солиғи 1914 йилдаги 6859021 сўмдан 1916 йилда 14311771 сўмга етди. Бир пуд пахта қоласига 2 сўм 50 тийиндан қўшимча солиқ олиш қорий этилди.

1915 йилнинг 1 январидан бошлаб, туб аҳолидан қарбий қизматни ўтамаганлиқлари эвазига даромадларидан қўшимча 21 қоиз қарбий солиқ олиш буюрилди, Уруш туқайли пахтанинг бозор нархи кўтарилди. Бундан пахтақорлар бирмунча қойда қўришлари мумкин эди, лекин чор ҳукумати тўқимачилик саноати эгаларининг талабига қўра пахта савдосини назорат остига олиб, унинг бозор бақосини 30—31 сўмдан 24,05 сўмга туширди. Бу ҳол дехқонларга зиён қелтирган бўлса, капиталистларнинг қўнлагини тўлдирди. Масалан, бирқина Тверь тўқимачилик саноати 1913—1914 йилларда пахтанинг эски нархидан 1893000 сўм қойда қўрган бўлса, уларнинг қейинги 1915—1916 йиллардаги даромади 9931000 сўмни ташқил этди. Дехқон оммасй банқлар, фирмалар ва

махаллий судхўрлардан олган карзлари оркасидан ҳам мушкул ахволга тушиб колган эдилар. Пахтакорларнинг эhtiёж ва талабларини амалга оширувчи, химоя килувчи бирорта ташкилот ёки жамият йўк эди. Одатда, эрта бахордаёқ пахтакорлар рўзгорида озиковкат, кийим-кечак ва маблагга мухтожлик нихоятда кучайиб, уларнинг ер хайдаш, уруглик сотиб олиш ва экиш ишларига ҳеч вақоси колмас эди. Пайтдан фойдаланувчи фирмачилар банклардан пул олиб, пахта туманларини кезиб, пахтакорлар билан карзга пул бериш хусусида шартномалар тузардилар. Бу ишни амалга оширишда махаллий шароиту урф-одатларни яхши билган махаллий маъмурият вакиллари, даллоллар, чистачи 1 ва аравакашлар воситачилик килардилар. Хар бир фирма вакили аввало вилоят хокимлари ва оксоколларини ўзларига огдириш учун куюк зиёфату совга уюштирганлар. Фирма бўлим хокими ва оксоколи билан яхши муносабат ўрнатиши ҳамоно унинг фаолияти учун кенг йўл очилган. Туркистонда бўлим оксоколию хокими пихини ёрган одамлар бўлган. Одатда, оксокол ва хокимликка бой кишилар сайланган, сайлангунларича ўн минглаб сўм сарфлашдан-да тоймаган, вахоланки, унинг бир йиллик маоши 600 сўмга тўгри келган. Лекин хокимликни кўлга олиши билан сарфланган пуллари аҳолидан анча ошиги билан кайтариб олган. Бу харажатларни ундиришнинг асосий огирлиги пахтакорлар зиммасига тушган. Шу равишда махаллий бойлар ҳам меҳнаткаш омма устидан каттик зулм ўрнатган эди.

Хуллас,»огир соликлар, карздорлик ва кахатчилик дехконларни бир парча еридан ҳамда мол-мулкларидан махрум бўлишига олиб келди. Натижада мардикорлар ва чорикорлар сони кўпайиб кетди. Уруш бахонаси билан туб аҳоли каттик таъкиб ва сикув остига олинди. Ўлкада вазият гоят огирлашиб, кескин тус олди. Бундан чўчий бошлаган чор ҳукумати зўр бериб, туб аҳолини рус давлатига нисбатан «содик» бўлишликка чакирар, «ватанпарварлик» туйгуларини намоиш этишни талаб этарди. Давлатга карши килинган хар кандай хатти-харакат дархол кўпориб ташланиши хакида махаллий Маъмурият кўрсатма олган эди. Хатто мачит-мадрасаларда рус императорига соглик ва узок умр тилаган холда «хутба» ўкиш буюрилди. Чор ҳукумати вакилларию капиталистлар махаллий маъмуриятга таянган холда меҳнаткаш оммани мустамлакачилик ва миллий зулм исканжасида бенихоя сикардик, унга бошка чидашнинг иложи бўлмай колди. 1916 йил 25 июнда рус императори Николай II нинг «Империядаги бегона халклар эркак аҳолисини харакатдаги армия районларида харбий иншоотлар ва шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошка хар кандай ишларга жалб килиш» хакидаги фармони яра устига чиккан чипкон бўлди. Бунга кўра Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фаргона, Самарканд, Ёттисув ва Каспийорти вилоятларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишилар мардикорликка сафарбар этилиши лозим эди. Фармон бутун ўлка аҳолисини ларзага солди. Чунки мардикорликка, асосан камбағаллар олиниши керак эди. Улар кетса аёллар ва фарзандлар бокувчисиз қолиб, халок бўлишлари мукаррар эди. Шунга карамай чор ҳукумати вакиллари подшоҳ фармони дархол амалга оширилишини талаб килди. Сабр-қосаси тўлиб-тошган халк кўтарилди.

Кўзголон 1916 йил 4 июлида Хўжанд шаҳрида/бошланди. Бу ерда тўпланган 6—7 минглик оломон полиция идорасини қуршаб олиб, мардикорликка бормасликларини шовкин-сурон билан изҳор килдилар. Оломоннинг олдинги сафларида Абдумадаминов, Дадабой Машарипов, Яхёхон Кори Олимхонов, Эшонхон Мирза Ўринов сингари кишилар турдилар. Кўтарилган омма орасида аёллар ва болалар ҳам бор эди. Полиция ҳамда аскарларнинг кўзголончиларга қарата ўқ отишлари натижасида улардан уч киши ўлдирилди, 4 киши ярадор килинди. Одамлар аскарлар қуролини тортиб олишга уринди.

Бу воқеадан кейин аҳоли Самарканд вилоятининг айрим жойларида ҳам биринкетин бош кўтариб, бир неча оксоколларни калтаклади, мардикорлик рўйхатларини йиртиб ташлади. 7 июлда Дахбед кишлоғида кўзголончилар бўлиб бошқарувчисининг мирзаси Кобуловни ўлдиришди. Унга мулла Усмон Абдурасулов, Гадоё Абдукодиров, Холмўмин Холмуродов, Азизкул Муродов, Мухтор Хафизов сингари кишилар бошчилик қилган. Кўзголон катнашчиларидан 24 киши хибсга олинди. 21 июлда Жумабозор кишлоғида 4 минг кишидан иборат оломон тўпланиб, мардикор олиншига қарши норозилик билдирди. Ўша куни Самарканд шаҳрининг Регистон майдонида тўпланган минглаб одамлар подшоҳ фармони бекор қилинишини талаб этди. Айрим одамлар мардикорга боришдан бош тортди, гуруҳ-гуруҳ бўлиб бошқа жойларга қоча бошлади. Тошбўрон қилиш эркаклар турганда хотинларга муносиб эмас, деган. Шу захоти эркаклар ва хотинлар уни кўчага судраб олиб чиқишди. Кимдир бикини ва қорнига пичок урган. Кўзголон вақтида подполковник Н. Е. Колесников бир неча маротаба оломонни тинчлантиришга ҳаракат қилди. Аммо улар қаршилик кўрсатишни тўхтатмадилар. Кўзголончилардан бири қўлида қиличи билан Н. Е. Колесниковга ташланганида у бу кишини тўппончадан отиб ўлдиради. Шундан кейин халойикнинг қони қайнаб «Ур!» деган овозлар янгради. Оломон орасида Махмуд Мирсоатов исмли гимназия ўқувчиси «Миршабларни уринглар!» деб одамларни ҳужумга чақирган. Кўзголончилардан Миркосим Исамухаммедов шериғи билан телефон симини узган. Оломоннинг бошқарма идорасига бостириб қириши ҳавфи тугилгандан кейин Н. Е. Колесниковнинг буйругига қўра уларга ўқ узилди. Натижада 11 киши ўлдирилди ва 15 киши ярадор қилинди. Ўлганлар орасида Абдусамад Абдусоатхўжаев, Шойнус Абдукаримов ва бошқалар бор эди. Аёллардан Рўзивонбиби Аҳмадхонова ўлдирилди. Зўрбиби Мусамухаммедова ярадор қилинди. Уста Одил Алимбоев, Охунбобо Абдулла Азизов, мулла Олим Файзибоев, Пўлат Мирисаев, Шоқир Камолов, Эрна-зархўжа Икромбоев, Содик Қориев ва бошқа кишилар яраланган эдилар. Бошқарма ҳовлисида рўй берган фожиадан кўп ўтмай Тошкент шаҳар бошлиғи С. О. Қочин етиб келади. У ўзи қўрган воқеани шундай баён этган: «Мен пблиция бошқармасига келганимда кўчада, бошқарма атрофида ва қисман ҳовлисида эркак хотинлардан ташкил топган оломонга дуч келдим. Оломон бир неча минг кишидан иборат бўлиб, улар орасида ўлганлар ва ярадорлар ётарди... Полиция бошқармасига борадиган кўчада айрим кишилар менга йиғи-сиги аралаш нималарнидир тушунтиришиб, қимларнингдир устидан шикоят қилмоқчи бўлдилар. Бу ердаги эркаклар ва хотинлар-нинг ҳаммаси ҳўрланган ва эзилган қўринади. Полиция бошқармасига қирганимда Эски шаҳар мишабларининг ҳаммасини қўлларида тўппонча ушлаб турганликларини қўрдим. Бошқарма биноси ёнида телефон сими узилган ҳолда ётибди. Идора-нинг ичида гишт ва тош парчаларини, эшик ва деразалар синганини қўрдим. Хали ҳарбий қисмлар келмаган эди. Оломоннинг тарқалишини сўраб қилинган таклифлар инобатга олинмай, шовкин-сурон эшитилиб турди. Кўп ўтмай ўлиқларни ва ярадорларни олишга ва тиббий ёрдам кўрсатишга қиришилди. Шу пайтда бошқармага ҳарбий билим юртининг бўлинмаси ва Тошкент Янги шаҳрининг мишаблари қелишди. Шундан кейин ҳарбий қисмлар ҳам қелиб, оломонни қўча тарафдан ўраб олди ва уларни тарқатишга муваффақ бўлинди. Кўзголончилардан бир гуруҳи мишаб Миркомилнинг ҳонадонига ҳужум қилиш учун Бешогоч томонга қетишган экан».

Чор ҳукумати кўзголонни бостиргандан кейин кўп кишиларни хибсга олди ва суд қилди. Галаённинг фаол катнашчиларидан этиқдўз Абдурахмон Қайумсўфиев ва қора ишчи Миркосим Шомухаммедов осиб ўлдиришга ҳукм этилди. Ишчилардан Тожибой

Юнусхўжаев, Гулом Камолов, Йўлчи Иброхимов, Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев, камбагал дехкон Муродхўжа Махмудали Хўжаев, Екуб Муроджабоев ва бошқалар узок муддатли сургун ёки камок жазосига тортилди. Гарчанд Тошкент кўзголони бостирилган бўлса-да, унинг акс садоси бутун ўлка бўйлаб таралди. Аввало, галаёнлар Тошкент атрофидаги жойларда авжга чикди. Одамлар 12—14 июль кунлари Хитойтепа, Тўйтепа, Гишткўприк, Хонобод, Пискент ва Кауфман станцияси (Зангиота)да бош кўтариб, мардикорликка бормасликларини маълум килдилар. 15—16 июлда Вревский станцияси атрофида ва 84-темирўл разъездида кўп минг кишилик оломон кўчага чикди. 20 июлда Булат бўлисида 50 минг, Кибрайда 6 минг кишилик оломон мардикорликка карши исён кўтарди.

Улар орасида Тўйтепада бўлган кўтарилиш ажралиб туради. Бу ерда халойик оксокол уйи, идораси ва император Николайнинг суратини ёндириб ташлади. Чор харбий бўлинмаси" кўзголончиларга ўк узиши натижасида 20 киши нобуд бўлди ва ярадор килинди.

Сирдарё вилоятига карашли Амударё бўлимида (Коракалпогистон) ҳам кўзголонлар юзага келганлиги маълумдир. Кўзголон Фаргона вилоятини ҳам коплаб олди. 1916 йил 9 июль куни галаён Андижон шахриДаги Жоме мачити майдониДа кўтарилди. Бу кўзголонга А. Хакимоксоқолов, А. Рўзибоев, М. Абдукаримов сингари кишилар бошчилик килган. Андижон уезди бошлиги И. А. Бржезискийнинг маълумотида кўра, 500 кишилик оломон чор ҳукуматининг мардикорликка сафарбарлик тўгрисидаги фармонига бўйсунмасликларини айтганлар. Улар уезд бошлигининг тушунтиришига кулок солмай, ундан фармонни бекор килишни ва мардикорликка сафарбар килмаслик хакида тилхат беришини катъий равишда талаб этганлар. Аксинча эллиқбошилар ва бошка амалдорлар битта колдирилмай ўлдирилиши ва уларнинг мол-мулклари талонторож килинишини уезд бошлигига билдирганлар. Бу талабга рад жавоб олингандан кейин кўзголончилар полиция ва харбий отрядга карши кетмон, тош ва таёқлар билан ташландилар. Бу тўқнашувда харбий бўлинма томонидан ўк узилиб, кўзголончилардан 10 киши яраланган ва 3 киши ўлдирилган, аскар ва полицейлардан бир неча киши шикастланган. 10 июлда Олтинкўл бўлисида карашли Далварзин кишлогига кўзголончилар бўлис бошлиги Муллахонишбек Мулларўзибеков ва унинг икки хамрохини ўлдирган лар. Масалан, 12 июлда Довул ва Чашмай бўлисларидан одамлар Бухоро хонлигига ўтиб кетадилар. 11—12 июль кунлари ём, Зомин ва Янгикўргон кишлоклари ахолиси айрим оксоқолларни ўлдирди ва мардикорликка бормасликларини изхор килдилар.

Халк кўзголони, айникса Жиззах шахрида нихоятда кучли ўтди. Бу ерда 13 июль куни Назар Хўжа, мулла Махамат Рахим бошчилигидаги оломон чор ҳукумати хукмронлигига ва мардикор олинишига карши бош кўтарди. Прокурорнинг айбномасида кўрсатилишича, найза, сўйил, болта, пичок, килич ва тўппончалар билан курулланган оломон 13—17 июль кунлари шахар ва унинг атроф жойларида харбий кисмларга, маъмурият вакилларига карши хужум уюштирганлар. Улар кўп жойларда темирўл изларини кўчирганлар, кўприк ва уйларни ёндирганлар, телефон симларини узганлар, темирўл казармалари ва курилишларни остин-устин килганлар. Шунингдек, кўзголончилар Жиззах уезди бошлигй полковник Рукинни, приция штабс-капитани Зотогловни, уезд бошкармасининг таржимони Мирзахамдам Закиржоновни, Жиззах шахрининг катта оксоқоли Комил Жумабоевни, оксокол Мирзаёр Худоёров ва рус аскарлари Ф. Гришенкони ўлдирдилар.

15 июлда Каттакўргон уездининг Чимбой ва Калкўргон бўлисларида ҳам галаён

кўтарилиб, кози Тошгойиб Назаров ўлдирилади, икки оксокол тошбўрон килинади, 18—21 июль кунлари галаёнлар Самарканд вилоятининг Мингарик, Гадойтопмас ва Сергош бўлисларида юзага келди. 20 июлда Каттакўргон шахридаги кўзголонда харбий команданинг ўк узиши натижасида 5 киши ўлиб, кўп кишилар жароҳатланди.

Чор маъмурияти Жиззах кўзголови катнашчиларини вахшийларча жазолади. Шахар ва бир нечта кишлоklar ер билан яксон килинди. Шахар аҳолиси иссик жазирамада чўлга хайдаб юборилди. Бу ерда кўп аёллар, болалар ва кексалар мисли кўрилмаган азоб-укубатларни бошидан кечирдилар. Хатто Жиззах фожиаси, Петербургда Дума йигилишида муҳокама этилди. Дума бу масалани, умуман 1916 йилги кўзголонни бостиришда чор маъмурияти томонидан йўл кўйилган шафкатсизликни текшириш учун Дума аъзоси А. Ф. Керенский бошчилигида махсус комиссия жўнатади. А. Ф. Керенский ахволни текшириб, туб аҳоли галаёнларини брстириш учун белгиланган жазо экспедицияси ўта шафкатсизлик килиб, нафакат эркаklarни, балки аёллар ва болаларни ҳам кириб ташлаган; аҳоли тураржойларини шу қадар бузиб, яксон қилганларки, бунақаси уруш майдонларида ҳам юз берган эмас (масалан, Жиззах шахри бутунлай яксон қилинган), деб топади.

Бундай ҳолат кўзгўрлончиларнинг, эсдаликлари ва халқ оғзаки ижодида ҳам ўз аксини топган:

Тахта кўприк битдими? Николай подшо ўтдими? Жиззах шахрини вайрон қилиб Муродига етдими? Ош қади, палок қади, Томга чиқиб дод айлади, Намозгоҳни солдат босиб Жиззахни вайрон айлади.

Халқ кўзголонлари Сирдарё вилоятида ҳам аланга олди. 11 июль кунини Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги полиция бошқармасига борадиган кўчада хотинлар дод-вой кўтариб, мардикорликка ҳеч қимни бермасликларини изҳор этганлар. Уларга эркаklar ҳам қўшилган. Полицейстр Мочалов миршабларга идорага қирадиган йўлларни тўсишни ва ҳеч қимни қўймасликни буюрган. Бирок, икки-уч минг кишилик оломон панжараларни синдириб, миршабларни тошбўрон қилиб, ичкарига қирганлар. Хотинлар «мардикорликка бермаймиз», эркаklar эса «бормаймиз, шу ерда ўлаемиз», деб бақирган.

Кўзголончилардан бири миршаб Йўлдош Муҳаммад қўлидан тўппончани тортиб олади. Бошқарма идорасининг қоровули Мираҳмад Мирақшаев маъмурият ёнини олганлиги учун оломон томонидан ўлдирилган. Шунингдек, ҳалойик полиция бошқармасининг мирзаси Трентовеус бошини жароҳатлаган. Тошбўрон туфайли Себзор даҳасининг миршаби Саид Исмоилжонов, Шайхонтохур даҳасининг миршаблари Тилла Эшмухамедов ва Дониёрхўжа Исахўжаевлар жароҳатланади. Аскарлардан уч киши яраланган. Оломон бошқарма идораси дераза ва эшикларини синдирдилар. Шу пайтда хотинларнинг кўзголонга катнашаётганлигини қоралаган Обид уста Азизхўжаев қалтақланди. У шаҳар қасалхонасида ўлган. Прокурор айбномасида қўрсатилишича, у полиция бошқармаси идораси деразаси тагида туриб, шовкин-сурон кўтариш ва билан юзма-юз бўлган. Шунда оломон орасидак бўлинма бошлигига қараб тошлар отилган. Бу кўзголон ҳам бостирилган. 11 июлдан 12 июлга ўтар кечаси 400—500 кишилик оломон Тўда қишлоқ оксоқоли қўлидан мардикорлик рўйхатини тортиб олиб, қўйдирган. Бу вақтда Риштон қишлоғида ҳам М. Бобохонов, Ш. Ҳожиёв, П. Йўлдошбоев ва бошқа кишилар раҳбарлигида кўзголон кўтарилди. 500—600 кишилик оломон Кўкон уезд бошлиги К. В. Мединскийнинг тушунтиришига қулоқ солмай, бўлис ҳокими М. Жалоловга ташланиб уни ўлдирмокчи бўлдилар. Бирок, ҳоким оломон орасидан қутқазиб олинди. К. Мединскийнинг кўзголончилардан бир неча кишини ушлаб олиши оломонни янада

газаблантирди. Халойик харбий отрядни куршаб ола бошлади. К. Мединский ва унинг хамрохлари, шу жумладан махаллий маъмурият кадам-бакадам куролларини укталган холда чекина бошлайди. Бу вақтда кўзголончиларнинг бир гурухи К. Мединскийнинг орка томонидан тўсиб олди. Харбий бўлинма ва маъмурият вакиллари кетмон, тош, калтаклар билан куролланган оломон халкасида қолади Харбий бўлинма ўт очганда кўзголончилардан уч киши яраланган, 12 киши камокка олинган.

Халк галаёнлари майда кишлокларда ҳам юз берган. Бундай холларда уч-тўрт кишлок ахли биргаликда ҳаракат қилган. Масалан, Қирқкетмон, Бешкалапоён ва Бешчаллабола кишлокларидаги халк оммаси Қудаш кишлогига тўпланиб, бўлис ҳокимини ўлдирмокчи бўлиб, қидирганлар. Эллиқбоши ва унинг ўғлини калтаклаганлар ҳамда уйини бузиб, мол-мулкини талаганлар. Харбийбўлинма томонидан кўзголон катнашчиларидан 18 киши ҳибсга олинган. Кўзголонлар темирўл ва станциялар, телефон ва телеграф симларини хавф остига қўйган. Шунингучун ҳам Қўкон жандармерия бошлиги темирўлга яқин жойда аҳоли тўпланиб Горчаков станциясини эгаллаш, телефон ва телеграф орқали алоқани бузишга шайланаётганини Фаргона вилояти генерал-губернаторлигига маълум қилган эди. Кўзголонлар бостирилгани билан барибир чор маъмурияти вакиллари мавқеига зарба берарди. «Кейинги кунлардаги галаёнлар,— деб ёзганди Қўкон уездининг бошлиги К. Мединский,—аҳоли орасида махаллий маъмуриятнинг мавқеи анча қўпориб ташлади. Махаллий маъмурият ҳаддан ташқари асабийлашган бўлиб, ўзига ишончни йўқотмокда. Мусулмон байрамининг биринчи кунда (18 июль) умумий кўзголон кўтарилиши тўғрисида катъий сўзлар эшитилмокда. Хавфсизликни таъминлаш учун Қўкон шаҳар гарнизонини тезда қучайтириш лозим». Шунингдек, бу ҳужжатда темирўллар хавфсизлигини дарҳол ошириш ҳам баён этилган.

Халк галаёни Наманган уездида ҳам кенг қўламда ўтган эди. 9 июлда минглаб эркак ва аёллар чор ва махаллий маъмуриятнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонини тан олмасликларини билдирганлар. Маъмуриятнинг кўзголонни тарқатиб юборишга қаратилган ҳаракатлари ҳеч қандай натижа бермади. Аксинча, халк оммаси тобора қўпайиб борди. Шундан кейин пулемётлар билан куролланган харбий рота чақирилиб, оломонни қўрқитиш чораси қўрилди¹ Бирок, кўзголончилар рўйхатнинг берилишини катъий туриб талаб қилдилар. Шу вақтда оломон орасидан «Ҳў!» деган сўзлар янграб, халк ротага ташланди. Аскарлар пулемётлардан ўқ узиб, кўзголончилардан 12 кишини ўлдирдилар ва 38 кишига тан жароҳати етказдилар.

Наманган уезди бошлиги П. Р. Крашковнинг қўрсатишича; ярадор бўлган кўзголончилар маъмурларга қарата: «Бу ҳеч нарса эмас, барибир биз ўз мақсадимизни амалга оширамиз!» деб ҳитоб қилганлар. Кўзголон вақтида катта-кичик оксоқоллар, қозилар, полиция, умуман маъмурият вакиллариининг ҳаммаси ўлдирилиши ҳақида ҳитоблар эшитилиб турган. Қонли тўқнашувлардан кейин кўзголон тарқалиб, унинг фаол катнашчиларидан 19 киши камокка олинган.

12 июлдатну уезднинг Олмос кишлогига эркак ва аёллар биргаликда бош қўтариб, махаллий маъмуриятнинг адолатсизлиги, қийноғига қарши қурашдилар. Улар кишлоқ оксоқоли М. Абдурахимов ва унинг ёнидаги хамрохларини қалтакладилар. Бу ҳилдаги ҳаракат Жарқўргон кишлогига авжга чиқди; 11 июлда бу кишлоқда 1000 га яқин одам тўпланиб, улар махаллий маъмурият жойлашган болохонали уйни қураша олиб, рўйхат-ни талаб қилдилар. Кишлоқ оксоқоли Тожибой рўйхатларни оломон ўртасига ташлашга мажбур бўлди. Бу ҳужжатлар дарҳол йўқ қилинди, Бирок, кўзголончилар бу билан қаноатланмай, болохонага бостириб қириб, бўлис ҳокимини ерга ташлаб юборади.

Оломон оксоколни калтаклаб ўлдиради. Шундан кейин оломон бўлис хокими уйини хонавайрон қилиб ташлайди.

Уезднинг Пешкорон, Уйчи, Хўжаобод, Уйгур, Тошкўргон ва Барзик кишлоклари аҳолиси бош кўтариб амалдорларнинг уйларига хужум қилган ва рўйхатларни ёндириб ташлаганлар. 14 июлда уезднинг Чиндаул кишлоғида катта кўзғолон бўлган. 1000 кишига яқин халқ оммаси маъмуриятнинг сафарбарлик ҳақидаги тушунтириш сўзларига кулок солмай, норозилик билдирганлар. Кўзғолончилар полиция ва унинг бошлигини қуршаб, рўйхатларни тортиб олганлар. Шунингдек, улар бўлис идорасини бузиб ташлаганлар. Кўзғолоннинг 50 нафар фаоллари иши судга оширилган.

15 июлда уезднинг Чодак кишлоғида кўтарилган кўзғолон ҳам эътиборни тортади. Кўп сонли оломон бўлис хокими Муллақози Худойбердиевнинг уйига бостириб қирган, уни тепкилаган. Кетмон, таёк, тош ва болталар билан қуролланган халқ Ш. Тойирбоев, М. Каримов, М. Аширматов каби маъмурларни ҳам дўппослаган. Айрим кўзғолончилар. Бунда кишлоқнинг бутун аҳолиси қатнашди. Жазо бўлинмаси етиб келган вақтда уларнинг ҳаммаси кишлоқни тарқ этган эдилар.

13 июлда Андижон уезди Майгир бўлисининг Чуам кишлоғида кўзғолон кўтарилиб, оломон кишлоқ оксоқоли Й. Хасанбоев, элликбоши Кипчокбой ва мулла Йўлдош Султонхўжаевларни уриб ўлдирганлар. Шунингдек, улар амалдорларнинг уйларини бузиб, мол-мулкларини талаганлар. Кишлоқ оксоқолининг отаси К. Тўракулбоевнинг кўрсатишича, халойик уй-жойларни вайрон қилишдан ташқари, 200 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатлари ва векселларни ёндириб ташлаганлар.

Кўзғолонлар жазо бўлинмалари томонидан шафқатсиз бостирилишига қарамай, тобора кенг ёйила борган. 12 июлдан 13 июлга ўтар кечаси Чек Офтобачи ва Чек Гофир кишлоқларининг 300 кишилик оломони кишлоқ оксоқолининг уйига бостириб қириб, уни топиб беришларини оила аъзоларидан талаб қилганлар. Бу вақтда оксоқол ва маъмуриятнинг бошқа вакиллари Андижон шаҳрида яшириниб юрган эдилар.

Кўзғолончилар оксоқолнинг ўғлини ва бошқа қариндошларини боғлаб, оксоқолни топиб беришмаса, уларни ўлдириш ва уй-жойларини ёндиришни маълум қиладилар. Хатто кўзғолончилар оксоқолни қидириб топиш ва жазолаш мақсадида ўз вакилларини шаҳарга юборганлар. Чек Офтобачи кўзғолончиларининг бошлиғи қурашни давом эттириш мақсадида Хонбоғ, Чек Мадиёр каби кишлоқларга ўз вакили мироб Сотиболдиевни юбориб, халқни кўтарилишга, амалдорларни жазолашга даъват этади.

Кўзғолон Донқўйма кишлоғида ҳам бўлиб ўтган. Бу ерда халойик кишлоқ оксоқоли М. Саримсоқовнинг хонадонига бостириб қириб, мардикорлар рўйхатини ва бошқа ҳужжатларни қуйдириб, оксоқолни топиб беришларини қариндошларидан талаб қилганлар. Халқ кўзғолони Миробод кишлоғида ҳам бўлиб, маҳаллий маъмуриятнинг зулми ва адолатсизлигига қарши қурашганлар. Маъмурият вакиллари кўзғолончиларнинг жазосидан шаҳарга қочиб қутулганлар.

Норин, Баликчи, Жалолқудук, Ҳакимобод, Избоскан, Ербоши бўлисларида, Чўжа, Хўжаобод, Қапа, Пода кишлоқларида бўлиб ўтган халқ ҳаракатлари ҳам диққатга молиқдир. Бу ердаги кўзғолонларда ҳам юқоридаги ҳатти-ҳаракатлар такрорланган. Фарғона вилоятидаги энг йирик кўзғолонлардан бири 10 июлда Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган эди. 20—25 минг кишидан иборат шаҳар аҳолиси Ўрда майдонида тўпланиб, мардикорликка қарши кўтарилдилар. Кўзғолончилар мардикорликка олиш ҳақидаги Фармонни тушунтириш ва амалга ошириш мақсадида сўзламокчи бўлган полицмейстер, подполковник Пахотин ва маҳаллий маъмурият вакиллари гап бермай, хужум

килганлар. Полковник Пахотин эса тўппончасини ўқталган холда зўрга тўдадан кочиби кутулган. Мехнаткаш халкка жабр ўтказган оксоколлар эса майдонда оломон томонидан калтак, кетмону тошлар билан уриб ўлдирилган. Одамлар таркаб кетиши хамоно кўшимча харбий бўлинма келиб, Ўрда майдони ва бошка мухим жойларни эгаллади. Кун давомида кўзголоннинг фаол катнашчилари кидирилиб, улардан 63 киши камокка олинди. Жинлар кишлогига эса кўзголончилар билан жазо бўлинмаси ўртасида тўкнашув рўй берган. Ёзёвон бўлисининг турли жойларида бўлиб ўтган кўзголонларда 36 киши суд жавобгарлигига тортилган. Уларда асосан хотинлар фаол иштирок этгандилар. Шу боисдан аёллар устидан тергов кўзгатилган. Бирок, жамоат тазйикидан чўчиган чор маъмурияти аёллар устидан олиб борилган терговни пировардида тўхтатган эди. Аравон бўлисида халойик адолатсизлик ва зулмга карши кўтарилиб, бўлис хокимини калтаклаб ўлдирганлар. Галаён сабабларини Туркистон тумани мухофаза килиш бўлими бошлиги М. Н. Волков шундай баён этган: «Кўкон шахрида Аравон бўлис хокими Иброхимнинг ўлдирилиши у томонидан ахолининг каттик зулм остига олиниси натижасида содир бўлди. Бўлис хокими сафарбарликка ишчи кучларини жалб этиш хакидаги буйрукни олиб кўлим мирзаси Гофир билан маслахатлашиб, чакирик рўйхатига барча кишиларни киритиш ва ким пул берса, уни рўйхатдан ўчиришга қарор қилдилар, бу унинг ўлимига олиб келди. Кўрсатилган бўлим мирзаси Гофир ойига 25 сўм маош олади. Бирок, у кейинги икки йил давомида Кўкон шахрида 6 минг сўмга яқин бахода уй сотиб олди. 2000 сўмдан ортиқ пул сарфлаб, ўзи ва укасини уйлантирди. Бундан ташқари унинг 1000 сўм нақд пули бор. Фаргона вилоят бўлислари хокимларининг кўпчилиги Аравон бўлис мирзаси каби иш'юритадилар». 9 июль куни мазкур бўлисининг Розийг'лик кишлоги ахолиси кўтарган кўзголон жиддий тус олди. Махаллий маъмуриятнинг адолатсизлиги ва зулмидан сабр қосаси тўлган оломон бўлис хокими И. Хасанбоев ва унинг хамрохларини уриб ўлдирган. Кўзголончилардан бири халок бўлган. Кўзголонни бостириш учун етиб келган жазо бўлинмаси дархол оломонни қуршаб олиб, 316 кишини хибсга олган. Бу кўзголонда 2 минг кишидан ортиқ эркак ва аёл катнашиб, улар Аравон, Калигор, Туркман, Чомошби, Барзанги каби кишлоклар ахолисидан ташқил топган эди. Кўзголонда катнашган аёллар: «Ўгилларимизу эрларимизга минг сўм берилса ҳам мардикорликка бермаймиз», деб хитоб қилганлар. Кўзголонлар тарихида Найманча кишлоги ахолисининг кўтарилиши диққатга моликдир. Бунда аёллар жасорат ва ташаббус кўрсатиб оломоннинг биринчи сафйда турганлар. Шундан кейин жазо бўлинмаси зўрлик билан аёлларни четлатиб, эркакларларда тўппонча ҳам бўлган. Одамлар кишлок оксоқоли Н. Аминовнинг уйи ва боғини хонавайрон қилиб ташлайди. Шунингдек, оксоколнинг 15 минг сўм пули ва 10 минг сўмлик қарздорлик ҳужжатлари ҳамда 10 минг сўмлик уй жиҳозлари ва молларини йўқ қилган. Оксоколнинг ўзи Ўш шахрига қочиби қутилган. Бу ерда ҳам кўзголоннинг фаол катнашчиларидан 90 киши камокка олинди, Чор ҳукумати ўлкада кўзголонларни бостириш учун 14 батальон, 33 казак харбий бўлинмаси, 42 тўп ва 69 пулемёт ажратади. Жазо бўлинмалари шафқатсизлик билан ҳаракат қилдилар. Бу ҳақда генерал-губернатор А. Куропаткиннинг рус императори Николай II га ёзган рапортида шундай сатрлар бор: «Сиз император Олий ҳазратлари ва барчага муқаддас ватан ҳисобланган буюқ Россия олдида ўз содиқлигини унутганлиги, жиноий ишлар қилганлиги учун Туркистон ахолиси каттик жазоланди». Кўзголон катнашчиларидан 3000 дан ортиқ киши судга берилиб, улардан 347 таси осиб ўлдиришга ҳукм этилган. Бирок, вазиятни янада кескинлаштирмаслик учун улардан 51 таси қатл

килиниб, колганларига ўлим жазоси камок ва сургун билан алмаштирилди. Юзлаб одамлар турли муддат билан камокка ҳукм этилди. Айрим шахар ва кишлоқлар бутунлай яксон килинди. Кўплаб уйлар қуйдирилди ва мол-мулклари таланди. Айникса, Жиззах кўзголончиларига нисбатан вахшийларча муносабатда бўлинди. Бу жихатдан Жиззах галаёни иштирокчиси Тўра Норбойнинг хотиралари бизга кўп нарсани ойдинлаштириб беради. «Жазо бўлинмалари тоғда қочиб юриб, оч қолиб, кишлоқдан овқат олиб келиш учун тушган Мавлон Айматовни ушладилар. У билан яна 7 кишини ушлаб дарахтларга боғладилар. Ўн кунгача ҳар куни бир бор калтаклаб, устидан сув қуйдилар. Аскарлар кишлоқдан кетадиган бўлдилар. Шунда улар бу 7 кишини калтаклаб, ўлдириб кетдилар». Кўзголон катнашчиларидан бири Муқим Урдушов Тошкентга қочиб, сўнг Жиззахга қайтиб келиб, бошидан кечирганларини қуйидагича баён этган: «Тошкентдан Жиззахга келдим. Кечаси станцияга етиб, намоз вақтида шахарга тушиб кетдим. Йўлда кўп аскарларни кўрдим. Уларни ёнида халқдан талаб олинган қимматли рўзгор ашёлари тўғ-тоғ бўлиб ётибди. Аскарлар қимматли ипак сўзаналарни, атлас ва шохи кўрпаларни отларига ёпиб қўйибдилар. Ипак газламаларни, шохи кўрпаларни тупрокка ёзиб устида агнаб ётибдилар. Ховлига чиксалар ҳам шохи ва атлас кўрпаларни ёпиниб чикмоқдалар. Бунда халқдан талаб олинган мингларча от-моллар ва қўйлар турибди. Оёқ остида босилиб ётган қимматли нарсаларни кўриб, жуда раҳмим келди. Эски шахар йўлида кетаётганимда Янги шахарга қараб қатор-қатор бораётган хотин-қизларни кўрдим. Улар мендан: «Аскарлар талаб кетган нарсаларни қайтариб бераётган эмиш, деб эшитдик, шу тўғрими?» деб сўради, Мен буни кўрмаганлигимни айтдим. Эски шахарга тушсам, энг яхши бинолар, маҳаллалар, шахар кўчаларидаги тимлар, дўконлар, ошхоналар ва чойхоналар қуйиб, ер билан теп-текис бўлган. Бунда бойўгли сайрамоқда. Халқ оч ва яланғоч, жуда огир ахволда. Бу ахволни кўриб кўп ачиндим».

«Бир куни, — деб ёзади кўзголон иштирокчиси Мамашариф Хусаинов, — шахар атрофини аскарлар ўраб, ҳар ховлига беш-олтитадан бўлиб қиравердилар. Одамларни уриб-сўқиб уйларида қувиб қикдилар. Бешиқдаги болаларни ечиб олишга қўймадилар. Халқни бозор майдонига тўплаб, ёш ва жинсларига қараб тўдаларга ажратдилар. Атрофларига тўп ва пулемётлар ўрнатдилар. Аскарлар баъзи одамларни қулогидан бураб, тўп огзига олиб бориб, кейин қўйиб юборадилар. Баъзилари одамларга қараб милтиқларини шарк-шурк қилиб кўрқитадилар. Одамлар орасида Оқпошшо Жиззах халқини отиб юборди, энди ҳаммамизни отар экан, деган гап тарқалди.. Халқни ваҳима босди. Хотинлар ва болалар йиглади. Аскарлар уларни милтиқ қўндоғи билан урардилар. Бир вақт Янги шахардан бир отлик аскар қочиб келиб: «Сиз, маккор Жиззах халқи подшоҳи аъзамнинг олий фармонида итбат қилмаганликларингиз учун подшоҳи аъзам сизларни отувга буюрган эди. Генерал-губернатор Куропаткин сизларнинг гуноҳларингизни Оқпошшодан талаб олибдилар. Сизлар энди бу шахарда яшашдан маҳрум бўлдингиз. Сизларни шахардан 25 чақирим нарига сургун қиламиз», деди. Аскарлар, мингбоши ва полициячилар халқни уч томонга бўлиб қайтардилар. Қўн бенихоят иссиқ, ҳаммаёқни қанг-тўзон қоплаган, Эски шахарга қаладиган сув Янги шахарда бўғиб қўйилганлиги учун ҳеч жойда сув йўқ. Бизларни аскарлар югуртирди. Бир ерга тўхтатиб, ҳаммининг ёнини қавлаб, бор пулларини қоқиб олди. Яна югуртирди. Чополмай йиқилганларни милтиқ қўндоқлари билан урдилар. У вақтдаги дод-вой оламни тутар эди. ёш болалар сувсизликдан юраги қўйиб, ўлиб қолаверди. Хомиладор хотинлар туғиб ётибди, аскарлар уларга қарашга йўл бермайди. Аскарлар югуришдан бош тортганларни отдилар. Югуриб қалаётган халқни яна тўхтатиб, қўлларидаги узукларни,

кулокларидаги сиргаларини юлиб олдилар. Шу равишда чўлга етиб боргунча неча жойда текшириб, то яхши кийимларигача ечинтириб олдилар. Бизларни шундай азобукубатлар билан шом пайтида Килич чўлига олиб бориб, ташлаб кайтдилар. Одамларда овкат ҳам, кўрпа-ёстик ҳам йўқ эди. Хамма оч ва сувсиз колди. Кечаси биз кишлокларга бориб овкат олиб келиб, хаммага оз-оз улашиб турдик. Бир тўп одамлар оч қолиб, касалликдан ўлдилар. Улар 10 кундан кейин бизга шаҳарга келишга рухсат берди».

Баён этилган сатрларда, асосан кўзголончиларнинг ота-оналари ва оила аъзоларига килинган азоб-укубатлар хақида фикр юритилаётир. Кўзголончиларнинг ўзларига нисбатан қўлланилган жазолар бундан ҳам каттик бўлган. Маъмурлар Жиззахда кўзголон кўтарилганини рўкач қилишиб 2000 гектар унумдор ерни давлат фойдасига ўтказишади. Шу тарика дехконлар ҳаётининг асосий манбаи ҳисобланган ердан маҳрум этилган. Шулар каторида ташаббускор кўзголончилар осиб ўлдирилди.

Генерал-губернатор А. Куропаткин баён этилган жазо чораларининг келажакда аскотишини юкорида келтирилган рапортида қуйидагича таърифлаган эди: «Туб аҳоли шуни яхши билсинки, рус қони тўкилган тақдирда айбдорлар осиб ўлдирилиши баробарида уларни ерлари Андижон (Дўкчи эшон — Х. 3.) кўзголови иштирокчилариники қаби тортиб олинадилар. Хар бир галаёнДан кейин қатъий равишда қўлланилаётган бу тартиб туб аҳолини рус ҳукуматиға қарши қурол кўтармасликка мажбур этиши лозим».

Шуни айтиб ўтиш керакки, юкори табақа орасида дилида чор ҳукуматиға ва мардикорликка олишға қарши бўлган қишлоқликлар йўқ эмас эди. Улар ўз мақсадларини ошқор этишдан қўчиб, пинҳона иш юритдилар. Масалан, Андижон шаҳридаги энг йирик миллионер Мирқомил Мирмўминбоев Қўқон ва Марғилон шаҳарлари мингбошилари номиға қуйидагича хат юборган: «Шаҳрингиздаги аҳоли ва бойларға мардикорликка қарши қишлоқликларини айтинг. Россиянинг аҳоли жуда танг, шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқманглар. Хаммангиз бир ёқадан бош қикариб иш юритсангизлар, мардикор олинишиға қарши кўзголон кўтарилиши осон. Ҳозирги вазиятда ҳукумат амалдорларига пул бўлса бас, хамма ишни битирадилар. Менинг ҳалойикни кўзголонға ундаш ҳаракатим билиниб текширув ўтказилганда 150 минг сўм бериб ўзимни саклаб қолдим, Шу боисдан сизлар ҳам ҳавотирланмай ҳаракат қилаверинглар». Мирқомил Мирмўминбоев бундай хатларни бошқа жойларға ҳам юборган. Бирок, юкори табақа вакиллари қўрқоқлик ва лоқайдлик қилиб қулай фурсатдан фойдалана олмадилар. Хатто миллий буржуазия ва зиёлилар заиф бўлганлиги учун ўзларини ўтга уришға қўчидилар. Натижада халқ галаёнларини жипслаштирадиган сиёсий қуч — раҳбар. топилмади. Тош, гишт парчаси, таёқ, болта, темир-терсак ва бошқа оддий нарсалар билан қуролланган оми омма милтиқ, тўппонча, қилич, пулемёт ва тўпларға эға бўлган империя қўшинларига қарши ўзлари билганича қураш олиб бордилар. Жазо бўлинмаларининг ваҳшийлиги ўлкада жуда ҳатарли вазиятни юзаға келтирди. Бундан ваҳимаға тушган маҳаллий табақа вакиллари ва зиёлилар аҳволни юмшатиш, ва тинчликни таъминлаш мақсадида мардикор олишға қаратилган фармонни амалға оширишға чор маъмурларига яқиндан ёрдам беришға жазм этдилар. Хатто улар «авом халқни» кўзголон кўтарганликлари ўчун истилочи маъмурлардан қечиринишларини илтижо қилдилар. Ўша йили «Туркистон вилояти» рўзномасининг саҳифаларида рус императорини қўқларға кўтарувчи ва мардикорликка бориш хар бир қишининг ватан олдидаги бурчи эканлиги хақида шеърлар мақолалар чоп этилди.

Шунингдек, маҳаллий маъмурият, миллий буржуазия ва зиёлилар бошчилигида «маҳаллий ёрдам қомитетлари» тузилди. Улар мардикорларни тўплаш, жўнатишға

кўмаклашиш билан бир каторда жамоадан уларнинг эҳтиёжи учун маблаг тўпладилар. Кахатчиликдан, жазо бўлинмаларининг киргинларидан нихоятда толиққан халойикнинг кайта кўзголон кўтаришга холи қолмади. Баён этилган қулай фурсатлардан фойдаланган чор ҳукумати император фармонини амалга оширишга қатъий равишда киришди.

1916 йил 23 августида А. Куропаткин мардикорликка; сафарбар қилиш тадбирлари ҳақида буйруқ чиқарди. Унда мардикорликка олинадиган одамлар сони қуйидагича тақсимланган: Сирдарё вилояти 60 минг, Самарканд вилояти 32407, Фарғона вилояти — 51233, Ёттисув вилояти 43000 ва Каспий орти вилояти 13830 киши белгиланди.

Сафарбарлик 1916 йил 18 сентябридан то 1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби ғалабасига қадар давом этди. П, Ковалёвнинг берган маълумотларига кўра, мардикорлар Москва, Петербург, Рязань, Тула, Орёл, Смоленск, Пенза, Брянск, Двинск, Нижний Новгород, Козон, Самара, Перм, Екатеринбург, Оренбург, Киев, Харьков, Екатеринослав, Одесса, Запорожье, Керч Тбилиси, Ботуми ва бошқа жойларга жўнатилган.

Чор маъмурияти белгиланган 200470 киши ўрнига 123 мингдан ортиқ мардикорларни сафарбар қилишга муваффақ бўлди. Улардан 101600 киши— Россиянинг ғарбий қисмига, 4000 киши — Сибирга, 7405 киши Кавказга юборилган. 10 мингдан ортиқ киши Туркистон ўлкасида ишлатилди. Мардикорлар ҳарбий ва саноат қорхоналарида, қонларда, темирўллар қурилишида, ўрмонлар ва айрим капиталистларнинг хўжалиқларида бетиним ишлатилди. Улар очликдан, ҳўрликдан, машаққатли меҳнатдан қўл азият чеқдилар. Улар орасида совуқ урушдан, турли қасалликлардан ўлганлар в.а ногирон бўлиб қолганлар бор эди. Мардикорликка ёлланган аждодларимиз ҳаёти халқ оғзаки ижодиётида қуйидагича акс этган:

Поездингни жилдирган,
Ўтхонаси билан дўнгалаги,
Двинскага кетишди
Мард йигитнинг бир бўлаги.
Двинскага кетмас эди
Мард йигитнинг бир бўлаги,
Двинскага кетказган,
Николай золимнинг замбараги.
Двинскага йўл бўлсин,
Қарагайзоринг қул бўлсин.
Йигитларни қийнаган,
Николайинг йўқ бўлсин.
Сўқ ошини ичмайман,
Ўтигимни ечмайман.
Қорда қарагай қесганман,
Ҳеч ҳақимдан қечмайман...!

Ўзбек марДикорлари машаққатли ва оғир ҳаётнинг асири бўлиб қолмай, қураш олиб бордилар. Улар бир неча маротаба иш ташладилар, ҳарбий бўлинмалар билан тўқнашдилар. Улар орасида маҳаллий аҳоли билан биргаликда инқилобий ҳаракатларда фаол қатнашган кишилар бор эди. Мардикорлар февраль буржуа-демократик инқилобидан кейин ўз ватанига қайтишга эришдилар ва ўлканинг кейинги сиёсий-иқтисодий ҳаётида фаоллик қўрсатдилар.

1916 йил кўзголони чор ҳукуматинг мустамлакачилик сиёсати авжига минган кезде юзага келди. У миллий зулмга, ўлканинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланишига қарши қаратилган эди.

(Кўзголннинг тарихий аҳамияти шундаки, у бутун Туркистон заминида яшаётган турли миллат ва элатлар сиёсий онги ўсишига ва курашларда чиниктиришга олиб келди. Шунингдек, унда аёлларнинг фаол қатнашиши муҳим воқеа саналади. Бу ҳол тарихда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Кўзголон кенг қулоқ ёйиши баробарида чор ҳукумати ҳукмронлигидан норози бўлган айрим юқори табақа вакиллари ҳаракатга қўрлади. Улар ўлка мустақиллигини тиклаш учун кўзголондан фойдаланиб қўлишга уриндилар. Кўзголон чор ҳукуматининг ўлкадаги қуч-қудратини заифлаштириб, февраль буржуа-демократик инқилоби ғалабасини таъминлаган омиллардан бири ҳисобланади. Унинг ижобий томонларидан яна бири шундаки, рус императорининг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонининг тўла амалга оширилишига қескин зарба берди. Натижада мўлжалланган мардикорлар сонининг ярами жўнатилди. Бу минглаб оилаларнинг ҳонавайрон бўлишидан саклаб қолди. Кўзголон ўзбек ва бошқа қавмларнинг мустақиллик ва озодлик учун олиб борган кураш тарихида ўчмас из қолдирди.

Ҳамид Зиёев